

«Тасдиқлайман»
“Олмалиқ КМК” АЖ Бош
Мухандиси – Бошқарув
вазисининг биринчи ўринбосари



Абдукадиров А.А.

» 04 2022 й.

Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган “Олмалиқ КМК” АЖ
ташкilotлари ишчи-ходимларини даврий тиббий кўрикдан
ўтказиш бўйича 2022 йил учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Кўрсатилаётган тиббий хизматнинг номи ва мақсади:

1.1. «Олмалик КМК» АЖ ишчи-ходимларини даврий тиббий кўриқдан ўтказиш (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирининг 200-сонли буйруғи, 10.07.2012й.):

Жиззах вилоятидаги «Олмалик КМК» АЖ ташкилотларининг ишчи-ходимлари сони (Жиззах цемент заводи-456 киши, Жиззах цемент заводи техник назорат хизмати-41 киши, АТБ 1-автобазаси, 6-автоколоннаси -133 киши, ИХҚХ-54 киши, «Учқулоч» кони – 31 киши) – 715 киши (шундан аёллар – 56 та), шулардан 3 киши (шундан аёллар - 3 та) йилига 2 марта тиббий кўриқдан ўтади. Натижада, умумий тиббий кўриқлар сони 718 та ни ташкил қилади.

«Олмалик КМК» АЖ ишчи-ходимларини даврий тиббий кўриқдан ўтказишнинг асосий мақсади, қуйидагилардир:

- касб касалликлари ва касбий заҳарланишларнинг профилактикаси, бахтсиз ҳодисалардан огоҳ бўлиш ва уларнинг олдини олиш, юқумли ва паразитар касалликларнинг ишчи-ходимлар орасида тарқалиб кетишини бартараф қилиш;

Даврий тиббий кўриқлар “Олмалик КМК” АЖ га хизмат кўрсатувчи даволаш профилактик муассасалари (тиббий санитар қисм) томонидан, агар улар бўлмаган тақдирда ташкилот жойлашган жойдаги ҳудудий даволаш – профилактика муассасаси иштирокида танлов асосида ўтказилади.

2. Лойиҳани амалга ошириш учун “Бажарувчи” ни жалб қилишга асос бўлган меъёрий ҳужжатлар:

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, 214-банд;

- Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш қилиш тўғрисида” ги қонуни (№410, 24 банд, 22.09.2016й.);

- “Фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 17, 30 бандлар;

- “Меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш бўйича намунавий Низом”, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 14.08.1996 йил 273-сон билан рўйхатдан ўтказилган;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғига мувофиқ тасдиқланган «Ходимларни тиббий кўриқлардан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ»

- “Штатные нормативы работников учреждений здравоохранения республики Узбекистан”, 10.11.1997, №06-1/650V (“Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари штат меъёрлари”, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан 10.11.1997 йил, №06-1/650V - сон билан тасдиқланган), *ҳужжат рус тилида наир қилинган*;

- «Временные штатные нормативы медицинского, фармацевтического и прочего персонала районного (городского) медицинского объединения», от 16.05.2016г., №06-3/496, (“Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг тиббий, фармация ва бошқа ходимларининг вақтинчалик штат меъёрлари”, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан 16.05.2016 йил, №06-3/496 - сон билан тасдиқланган), *ҳужжат рус тилида наир қилинган*;

3. “Буюртмачи” талабларидан келиб чиққан ҳолда, “Бажарувчи” дан талаб қилинадиган хизматлар ҳажми, бажариладиган ишлар рўйхати ва уларни асослаш:

«Олмалик КМК» АЖ ишчи-ходимларини даврий тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича:

- касб касалликларининг дастлабки белгиларини аниқлаш, зарарли омилларнинг кейинги таъсирини ва патологик жараённинг ривожланишини тўхтатиш чораларини кўриш;

- зарарли меҳнат шароитларида ишни давом эттиришга тўсқинлик қиладиган умумий (янги орттирилган) касалликларни аниқлаш;

- бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, ишчи-ходимлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва юқумли касалликларни олдини олиш мақсадида касалликларни аниқлаш;

- ишчи-ходимларнинг соғлиғи ҳолатининг динамик мониторинги (кузатуви);

- тиббий кўриқ натижалари бўйича индивидуал даволаш-профилактика тадбирларни амалга ошириш;

- ишлаб чиқариш ташкилотларида касб касалликларининг олдини олишга қаратилган

соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш.

Даврий тиббий кўриқдан ўтказиладиган ишчи-ходимлар сони
(тор мутахассисли шифокорлар бўйича)

№	Тиббий хизмат номланиши	Ишчи – ходимлар сони
1	Профпатолог кўриги	715
2	Терапевт кўриги	718
3	Хирург (жаррох) кўриги	715
4	Невропатолог кўриги	715
5	Психиатр кўриги	156
6	Отоларинголог кўриги	715
7	Дерматовенеролог кўриги	356
8	Офтальмолог кўриги	715
9	Акушер-гинеколог кўриги	59
10	Кардиолог кўриги	356
11	Ўпканинг рақамли флюорографияси	3
12	Умумий қон таҳлили	715
13	Умумий сийдик таҳлили	715
14	ЭКГ	356
15	Кўкрак кафаси рентгеноскопияси	715
16	Сийдик таркибида симоб ва кўрғошинни аниқлаш	55
17	RW реакцияси	3
18	Кўкрак кафаси рентгенографияси	385
19	Ҳаракат – таянч суяқларининг рентгеноскопияси	155
20	Лейкоформула	350
21	Билирубинни аниқлаш, АЛТ+АСТ	3
22	Кўз ички босимини аниқлаш	438
23	Аёллар кўриги (сарф материаллари)	59
24	Анализ Hbs Ag га анализ	-
25	Суртма олиш (аёллар)	59
26	ИФА анализ (ВИЧ)	-
27	Тиббий бланкалар ва канцелярия	718

4. Тиббий хизмат кўрсатиш жойи:

- даврий тиббий кўриклар “Олмалик КМК” АЖ га хизмат кўрсатувчи даволаш профилактик муассасаси (тиббий санитар қисм) да, “Олмалик КМК” АЖ ихтиёридаги ташкилот биноларида (Ўзбекистон Республикаси ССВ СанҚваМ талабларидан келиб чиққан ҳолда), комбинат ташкилотлари тиббий таянч пунктларида ёки ташкилот жойлашган жойдаги ҳудудий даволаш – профилактика муассасасида ўтказилади.

5. Ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш шартлари:

«Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

- даврий тиббий кўрикларни ўтказиш учун санитар меъёрларига жавоб берадиган бино ажратиш;
- даврий тиббий кўрикларни ўтказиш учун ажратилган бинони қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар билан жиҳозлаш;

- тузилган шартнома шартларига мувофиқ тиббий хизматлар учун олдиндан тўловни амалага ошириш;

«Буюртмачи» «Бажарувчи» нинг иш графигидан келиб чиққан ҳолда сутканинг исталаган вақтида кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини текшириш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга;

Бу ерда албатта, «Буюртмачи» нинг кўрсатмалари «Бажарувчи» учун мажбурийдир.

«Бажарувчи» нинг мажбуриятлари:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғига мувофиқ тасдиқланган «Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги» Низомга мувофиқ, комбинат ташкилотлари ишчи-ходимларини дастлабки ва даврий тиббий кўрикларини ўтказиш учун малакали шифокор мутахассисларнинг иштирок этишини таъминлаш;

- ҳисобот ойида кўрсатилган хизмат учун ҳисобварақ-фактураларни, бажарилган ишлар бўйича далолатномалар ва ҳисоботларни кейинги ойнинг 5-қунига қадар «Буюртмачи» га тақдим қилиш;

- «Олмалик КМК» АЖ ишчи-ходимлари орасида санитар-оқартув ишларини олиб бориш;

6. «Буюртмачи» томонидан тайёрланган ва тасдиқланган Техник топшириқдаги кўрсатиладиган тиббий хизматнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, «Бажарувчи» га қўйиладиган талаблар:

- техник таклифнинг (шартнома шартларининг) техник топшириқ талабларига мослиги;

- даволаш - профилактик муассасасининг **Жиззах вилояти** ҳудудида публик хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатномаси ёки ССВ томонидан берилган лицензияси борлиги;

- техник топшириқни бажариш учун таклиф қилаётган товар (иш, хизмат) техник параметрларининг мавжудлиги: ташкилот ишчи-ходимларига кўрсатилаётган тиббий хизматларни касбий қайта тайёргарликдан ўтган, ўз мутахассислиги бўйича малакасини оширган тиббий ходимлар томонидан амалга оширилиши;

- даволаш – профилактика муассасасининг фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгиловчи Низомининг мавжудлиги (тиббий фаолияти ва кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг техник топшириқ талабларига мос келишини аниқлаш мақсадида);

- бажарилаётган ишларни амалга ошириш давомида, тиббий хизматларининг сифатли олиб борилишининг «Бажарувчи» томонидан қафолатланиши;

- ташкилот ишчи –ходимларига кўрсатилаётган тиббий хизматлар малакали тиббий ходимлар томонидан тасдиқланган график бўйича ўз вақтида бажарилиши;

- тиббий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисоблари Ўзбекистон Республикаси «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) 1-илова матни иловага мувофиқ тузилиши лозим.

- даволаш профилактика муассасасининг ушбу турдаги тиббий хизмат кўрсатиш ва тиббий асбоб-ускуналар (УТТ, ЭКГ ва х.к) бўйича лицензияси (гувоҳномаси, рухсатномаси) бўлиши;

- ташкилот ишчи–ходимларига кўрсатилаётган тиббий хизматлар малакали тиббий ходимлар томонидан тасдиқланган график бўйича ўз вақтида бажарилиши;

7. Хизматларга қўйиладиган талаблар:

- «Олмалик КМК» АЖ ташкилотлари ишчи-ходимларини даврий тиббий кўриқдан ўтказувчи тиббий комиссия таркибига қуйидаги шифокор мутахассисларни жалб қилиши лозим: терапевт,

невропатолог, офтальмолог, психиатр, дерматовенеролог, отоларинголог, акушер-гинеколог, хирург, кардиолог и профпатолог (Соғлиқни Сақлаш Вазирининг 200-сонли буйруғи, 10.07.2012й.);

-тиббий кўриқларга сарфланадиган материал нархлари Ўзбекистон Республикасидаги бюджет (бозор) нархларига мос келиши керак;

-тиббий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисоблари Ўзбекистон Республикаси «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) 1-илова матни иловага мувофиқ тузилиши лозим.

-тиббий кўриқнинг ҳар бир ўтган босқичлари якунида “Буюрмачи” га тиббий хизматлар тўғрисида ҳисобот тақдим қилиш.

8. Кўрсатилаётган тиббий хизмат ва бажарилаётган ишлар муддати:

-кўрсатилаётган тиббий хизмат ва бажарилаётган ишлар муддати шартнома кучга кирган вақтдан 31.12.2022 йилгача қилиб белгиланади;

-даврий тиббий кўриқларнинг бошланиши ва якунланиши саналари тасдиқланган календар жадвалига мувофиқ “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” томонидан келишиб олинади (1-илова).

9. Кўрсатилаётган тиббий хизмат, бажарилаётган ишлар ва уларнинг натижаларини қабул қилиш ва топшириш тартиби:

“Олмалиқ КМК” АЖ ишчи-ходимларини даврий тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича:

- “Бажарувчи” ҳар бир даврий тиббий кўриқ босқичи тугагандан сўнг, “Буюртмачи” га ҳудудий санитария-эпидемиологик ободонлаштириш марказлари, ташкилот раҳбарияти ва маъсул мутахассислари (бош муҳандис, ММ ва ТХ мутахассислари) билан келишилган ҳолдаги бажарилган ишлар далолатномалари ва ҳисоботларини, аниқ тақлиф ва хулосалар билан тақдим қилишади;

- бажарилган даврий тиббий кўриқ учун якуний тўлов бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун ичида амалга оширилади, белгиланган тартибда ва ҳисобварақ-фактурага мувофиқ расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” томонидан имзолангандан кейин кўрсатилган ҳисобланади;

- бажариладиган даврий тиббий кўриқлар таркиби ва муддати ҳудудий санитар-эпидемиологик ободонлаштириш маркази ва “Олмалиқ КМК” АЖ маъмурияти ўртасида келишилган ва тасдиқланган календар жадвалга мувофиқ белгиланади;

-бажарилган ишларни қабул қилиш, даврий тиббий кўриқларнинг бориши ва уларнинг натижаларини баҳолаш, тасдиқланган календар жадвал бўйича режалаштирилган даврий тиббий кўриқлар бўйича “Бажарувчи” нинг “Буюртмачи” га берган якуний ва босқичли ҳисоботларига мувофиқ амалга оширилади.

10. Бажарилган ишлар ёки хизматлар тугаллангандан ва етказиб берилгандан кейин техник ва бошқа ҳужжатларни “Буюртмачи” га топшириш талаби:

“Бажарувчи” томонидан бажарилган ишлар, ҳар ойда, “Бажарувчи” ва “Буюртмачи” томонидан имзоланган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисобварақ-фактуралари билан расмийлаштирилади.

11. Бажарилган ишлар ва кўрсатилган тиббий хизматлар натижасига кўра, “Буюртмачи” мутахассислари томонидан “Бажарувчи” маъсул ходимларини техник ўқитиш бўйича талаблар:

Талаб қилинмайди.

12. Бажарилган ишлар ва тиббий хизматлар ҳажми бажарилишининг кафолатланишига бўлган талаблар:

«Бажарувчи» тасдиқланган календар жадвал ва иш графигига мувофиқ тиббий хизматлар (даврий тиббий кўриқларини) ҳажмини кафолатлаши шарт.

13. Бажарилган ишлар ва тиббий хизматлар учун кафолатлари муддатини кўрсатиш талаби:

Талаб қилинмайди.

14. “Бажарувчи” нинг тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича мажбуриятларини бажариши муносабати билан юзага келган интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларини “Буюртмачи” га ўтказиш шартларини белгилайдиган муаллифлик ҳуқуқи:

Талаб қилинмайди.

15. “Буюртмачининг ихтиёрига кўра бажариладиган ишлар, тиббий хизматлар ва уларни кўрсатиш шартларига қўйиладиган бошқа талаблар:

Талаб қилинмайди.

16. Томонларнинг жавобгарлиги:

Томонлар ўртасида тузилган шартнома шартларини бажармаганлик ёки тўлиқ даражада бажармаганлик учун Томонлар «Тадбиркорлик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилига мувофиқ жавобгар бўладилар.

17. “Олмалиқ КМК” АЖ ташкилотлари ишчи-ҳодимларини дастлабки ва даврий тиббий кўрикларини ўтказиш бўйича шартнома тузиш учун “Бажарувчи” ларни танлаш асослари:

“Олмалиқ КМК” АЖ, умумий ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган соғломлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида, комбинат ташкилотлари ишчи-ҳодимларини даврий тиббий кўриқдан ўтказиш масаласида ҳудудий даволаш профилактик муассасалари билан тегишли шартномалар тузади.

Бу хизматларни мустақил амалга ошириш учун “Олмалиқ КМК” АЖ етарли даражадаги имкониятларга эга эмас. Чунки, комбинатнинг ишчи-ҳодимларини тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволаш профилактика ишларини олиб боровчи лицензияга (рухсатномага) эга тиббий санитар қисми (саноат корхоналарига тиббий хизмат кўрсатувчи даволаш профилактик муассасаси) мавжуд эмас.

Ишлаб чиқилди:

ММ ва СХ бўлими ММ муҳандиси-санитар шифокори



Кенжаев С. М.

Келишилди:

Бош муҳандис ММ ва СХ бўйича ўринбосари в.б



Абдуллаев И.И.

Тиббий хизмат бошлиғи

Тухтабоев А.Э.

Техник топшириқдаги қисқартирилган сўзларнинг
кенгайтирилган кўринишдаги рўйхати

№	Қисқартирилган сўзлар	Кенгайтирилган кўриниши
1	“Олмалиқ КМК” АЖ	“Олмалиқ кон металлургия комбинати” акционер жамияти
2	УТТ аппарати	Ультратовушли текшириш аппарати
3	ЭКГ аппарати	Электрокардиография аппарати
4	Худудий СЭОМ	Худудий санитар-эпидемиология ободонлаштириш маркази
5	Корхона ММ ва ТХ бўлими бошлиғи	Корхона меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бошлиғи
6	ЎЗР ССВ буйруғи	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирининг буйруғи
7	ШНК	Шахарсозлик нормалари ва коидалари
8	ТХ	Техника хавфсизлиги
9	ЖЦЗ	Жиззах цемент заводи

ММ ва СХ бўлими ММ муҳандиси-санитар шифокори



Кенжаев С. М.

2022 йил даврий тиббий кўрик календар режаси

Техник топшириқ 1-илловаси

т/р	Комбинат корхоналари номланиши	Умумий ишчилар сони	Жумладан														
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь			
1	Жиззах цемент заводи	456															
2	Жиззах цемент заводи	41															
3	техник назорат хизмати																
3	АТБ 1-автобаза, 6-автоколониаси	133															
5	ИХКХ	54															
6	«Учкулоч» кони –киши	31															
8	Жиззах цемент заводи декр.контингенти	3															
9	Жиззах цемент заводи декр.контингенти	3															
10	Жами:	718															

ММ ва СХ бўлими ММ муҳандиси-санитар шифокори



Кенжаев С. М

